O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил 16 январь ШАНБА

№ 4 (12.224)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

**Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг биринчи сессияси бўлиб ўтди. Унинг ишида вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳ ва котибиятлари, бошқармалар, ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари иштирок этишди.**

**Сессияга 39-Паркент сайлов округидан депутат Маҳмуджон Тоиров раислик қилди.**





# ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Сессия қатнашчилари вилоят сайлов комиссиясининг раиси Убайдулла Абдушоҳидовнинг Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашига ўтказилган сайлов якунлари ҳақидаги ахборотини тинглади ва Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 17- ва 24-моддаларига мувофиқ халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайланган 60 депутатнинг ваколатларини эътироф этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шунингдек, сессия халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ва Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан сайланган депутатларнинг тегишли партия гуруҳларини рўйхатга олиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқди. Ўзбекистон Республикаси "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Қонунининг 14-моддасига мувофиқ ҳамда тўрт сиёсий партиялардан сайланган депутатларнинг алоҳида-алоҳида мурожаатларини инобатга олиб, кенгаш тегишли партия гуруҳларини рўйхатга олиш тўғрисида қарорлар қабул қилди.

26-Эшонгузар сайлов округидан депутат Омонулла Исломов Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, 44-Юнусобод сайлов округидан депутат Сирожиддин Аъзамов Ўзбекистон Халқ демократик партияси, 4-Кончи сайлов округидан депутат Зарифа Эралиева Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, 3-Нурчи сайлов округидан депутат Абдужаббор Саъдуллаев Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси тегишли депутатлик гуруҳларининг раислари этиб сайланганлиги маълумот учун қабул қилинди.

Сессия халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг регламентини кўриб чиқди ва тасдиқлади.

Сессия Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 19- ва 24-моддаларига мувофиқ халқ депутатлари вилоят Кенгашининг олтита доимий комиссиясини тузиш ва уларнинг таркибини сайлаш тўғрисида қарор қабул қилди. 31-Янгиобод сайлов округидан депутат Воҳид Расулов Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш, 16-Янги ҳаёт сайлов округидан депутат Баҳодир Тоғаев Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, 28-Ўртаовул сайлов округидан депутат Муҳайё Тўлаганова Ижтимоий-маданий ривожлантириш, 50-Истиқлол сайлов округидан депутат Шуҳрат Аҳмедов Қишлоқ ва сув хўжалиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, 23-Искандар сайлов округидан депутат Сайёра Файзиева Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод, 22-Ғазалкент сайлов округидан депутат Муҳаммадали Каримов Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалиги, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияларнинг раислигига сайландилар.

Сессия "Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Тошкент вилояти ҳокими лавозимига тақдим этилган номзодни тасдиқлаш тўғрисида"ги масалани ҳам кўриб чиқди. Бу масала юзасидан Президент вакили – Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Азимов сўзга чиқди. Масалани муҳокама қилиш чоғида 36-Эшонгузар сайлов округидан депутат Омонулла Исломов, 44-Юнусобод сайлов округидан депутат Сирожиддин Аъзамов, 4-Кончи сайлов округидан депутат Зарифа Эралиева, 3-Нурчи сайлов округидан депутат Абдужаббор Саъдуллаевлар сўзга чиқишди.

Сессия Рустам Холматовни Тошкент вилояти ҳокими этиб тасдиқлади.

**СУРАТЛАРДА:** сессия пайти.

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

## ҒУРУР ВА ИФТИХОР

**Ўзбекистон Қуролли Кучлари Марказий офицерлар уйида 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.**



Шу муносабат билан бу ерга Тошкент ҳарбий округи офицерлари, аскар ва сержантлар ҳамда ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, жамоатчилик вакиллари таклиф этилди. Тантана Тошкент шаҳрида барпо этилган "Ватанга қасамёд" ҳайкалининг очилишига бағишланган тантанали маросимнинг мухтасар лавҳаси намойиши билан бошланди.

**(Давоми 2-бетда).**

## АСОСИЙ ҚИСМИ ЭКСПОРТГА

**Қибрай туманидаги "Bow Co.LTD" Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонаси янги йилнинг дастлабки кунларидан пресс тизимчалар ва турли диаметрдаги арқонлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.**

Марказий Осиёда ягона ҳисобланган корхона маҳсулотларини асосан Россия ва МДҲ давлатларига экспорт қилмоқда.

Корхона йилига 500 тонна қоп ва 600 тонна турли тасмалар ишлаб чиқариш қувватига эга. Маҳсулотлар "Best of Wold" жаҳон андозалари талабларига жавоб беради.

## МАҚСАД БИР

**Тошкент туманидаги Кўктерак қишлоғида чегаралар дахлсизлигини таъминлаш, товар-моддий бойликлари ноқонуний йўллар билан олиб кирилишининг олдини олишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

Унда вилоят тегишли ишчи гуруҳи раиси ва аъзолари, туман ҳокимининг ўринбосарлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғини раислари, маҳалла посбонлари, чегара ва божхона ходимлари иштирок этди.

Йиғилиш давомида 2009 йил мобайнида ноқонуний йўллар билан кириб келган 2 миллиард 757 миллион сўмлик товар-моддий бойликлар божхона ходимлари томонидан ушлаб қолингани таъкидланди.

**Ирода МАҚСУД қизи.**

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

### ОҲАНГАРОН ТУМАНИ

## АСКАРЛИК ОРЗУСИДА

**Умар Умирзоқов номидаги болалар спорт мажмуасида умумтаълим мактаблари юқори синф ўқувчилари ўртасида "Шунқорлар" ҳарбий спорт беллашуви бўлиб ўтди. Мусобақада 6, 8, 12, 13, 14, 15, 17, 19-мактабларнинг ёш спортчилари туман биринчилиги учун ўзаро беллашдилар.**



Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил топганлигининг 18 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб ўтказилган бу мусобақада 12-мактабнинг ёш спортчилари биринчи, 13- ва 15-мактаб вакиллари эса кейинги ўринларни эгалладилар.

Ғолиб ва совриндорларга вилоят болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, шунингдек, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгашининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

**Райҳон САЛАЕВА.**

### ҚУЙИЧИРЧИҚ ТУМАНИ

## БАЛЛИ, ЙИГИТЛАР

**Дўстобод шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги коллежи, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти туман кенгашлари томонидан тумандаги 4 та коллеж ўқувчилари ўртасида Баркамол авлод йилига бағишлаб "Балли йигитлар" мусобақаси ўтказилди.**




Унда коллеж ўқувчилари ҳарбий кўпккураш, қисқа масофага югуриш, ўқ отиш, тош кўтариш, ҳарбийлаштирилган эстафета ва арқон тортиш бўйича баҳслашдилар.

Мусобақа сўнгида барча иштирокчиларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

**Ш. ШАМЕТОВ.**

### ПАРКЕНТ ТУМАНИ

## АҲОЛИ ТИНЧЛИГИНИ ЎЙЛАБ

**Туман марказида фавқулодда вазиятларда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларига бағишланган ўқув-семинари бўлиб ўтди.**



Унда халқ таълими бўлими тасарруфидаги мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари, умумтаълим мактаби ўқитувчи ва раҳбарлари иштирок этди. Ўқув-семинарни вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси Чирчиқ шаҳар аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш маркази ходимлари ўтказдилар.

### ЯНГИЙЎЛ ШАҲРИ

## МУНОСИБЛАР ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

**Шаҳар маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги яраштириш комиссияларининг иш фаолиятини такомиллаштириш ҳамда уларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида "Энг фаол ярашитириш комиссияси" ҳамда "Энг фаол хотин-қизлар қўмитаси" кўрик-танловларининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.**



Якуний натижаларга кўра, «Мустақиллик» маҳалласи ярашитириш комиссияси ҳамда Муқимий маҳалласи хотин-қизлар қўмитаси раиси Б. Муҳиддинова танлов ғолиби бўлди. Ғолибларга диплом ва қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

**Хуррият МЎМИНОВА.**

# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАН ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА САЙЛАНГАН ДЕПУТАТЛАР РЎЙХАТИ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2010 йил 12 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларини рўйхатга олиш тўғрисида"ги қарорига асосан Тошкент вилоятидан қуйидагилар Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов округларида такрорий овоз бериш натижасида сайланган депутатлар этиб рўйхатга олинди:**

| № | Фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили | Депутатнинг номзодини кўрсатган органнинг номи, партияга мансублиги | Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) | Иш ва яшаш жойи | Сайлов округининг тартиб рақами ва номи |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Акрамов Алишер Холдорбаевич | 1968 | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, "Адолат" СДП аъзоси | Чиноз тумани "Акрамов А" фермер хўжалиги раҳбари | Тошкент вилояти, Чиноз тумани | 85-Чиноз сайлов округи |
| 2 | Ахмедов Сайдивали Абдувалиевич | 1961 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси | Оққўрғон тумани "Гулистон-Бўстон" хусусий машина-трактор парки раҳбари | Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани | 89-Дўстобод сайлов округи |
| 3 | Джаббаров Абдухалик Абдукаримович | 1963 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Бекобод тумани "А. Джаббаров" фермер хўжалиги раҳбари | Тошкент вилояти, Бекобод тумани | 78-Бекобод сайлов округи |
| 4 | Тохтаева Мухаббат Абдуллаевна | 1963 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Давлат муассасалари ва жамоат ташкилотлари касаба уюшмалари Бўстонлиқ тумани кенгаши раиси | Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани | 80-Бўстонлиқ сайлов округи |



# НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲА АСОСИДА

**2009 йилнинг 29 январида Республика Президентининг "Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори эълон қилинган эди.**

Бу қарор мамлакатимиз аҳоли пунктлари қиёфасини тубдан ўзгартириш ҳамда қурилишни архитектуравий режалаштирилган ҳолда ташкил этишни жадаллаштириб юборди. Бўка туманида ҳам бу борадаги саъй-ҳаракатлар анча жонланиб кетди.

Ҳозирда туманнинг Чиғатой қишлоғи "Жағалбойли" маҳалласида 20 та хонадонга мўлжалланган якка тартибдаги уй-жойлар бош режа ва намунавий лойиҳалар бўйича қурилмоқда. Қурилиш ишларида "Бинокор қурилиш таъминот" хусусий корхонаси қурувчилари алоҳида жонбозлик кўрсатишмоқда.

**СУРАТДА:** (чапдан) қурувчилар Юсуф Кенжаев, Ҳусан Кенжаев ва Отабек Бозорбоевлар иш устида.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

## МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

# МУКОФОТ МУБОРАК!

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 11 январдаги "Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ бир гуруҳ юртдошларимиз Ватаннинг юксак мукофотлари – унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирландилар. Улар орасида вилоятимиздан қуйидагилар бор:**

**"Жасорат" медали билан**

**Адилов Зафар Закирович** – вилоят Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отрядининг катта мутахассиси

**"Содиқ хизматлари учун" медали билан**

**Кудратов Хамидулла Насимович** – Тошкент ҳарбий округи ҳарбий судининг раиси

**Ярматов Махмуд Исмоилович** – Тошкент ҳарбий округи ҳарбий прокурори

**"Шухрат" медали билан**

**Камилов Абдуманнаб Абсаматович** – Тошкент вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси устақутқарувчиси



# ҒУРУР ВА ИФТИХОР

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига байрам табриги ўқиб эшиттирилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда замон талабларига жавоб берадиган, юртимиз мустақиллиги, унинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлай оладиган Қуролли Кучлар тизими яратилди. Бунда Республика Президентининг 2008 йил 20 ноябрдаги "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони муҳим аҳамият касб этмоқда.

Юртбошимизнинг Ватан ҳимоячиларига байрам табригида таъкидлаб ўтилганидек, бутун Қуролли Кучларимиз ва уларнинг асосий жанговар бўлинмаларининг принципиал жиҳатдан мутлақо янги ташкилий-таркибий тузилмаси жорий этилди. Бу, ўз навбатида, бошқарув ва тузилмаларнинг ҳаракатчанлиги, тезкорлиги ва жанговар қобилиятини ошириш имконини берди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тантанали маросимда вилоят ҳокими ўринбосари Содиқ Абдуллаев сўзга чиқиб, мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида тўхталар экан, бугун миллий армиямизда хизмат қилиш Ўзбекистон фуқаролари учун Конституциявий бурч, айни пайтда том маънода шон-шараф ишига айланганини алоҳида таъкидлади.

Тантанали маросимда Тошкент ҳарбий округи офицерлари, сержант ва аскарларидан бир гуруҳи қимматбаҳо совғалар ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

– Юрт олдидаги энг шарафли бурч – унинг сарҳадлари дахлсизлиги, тинчлиги, хавфсизлигини сақлаш учун хизмат қилиш, – дейди кичик сержант Хислат Олимов. – Мен болаликдан ҳарбий бўлишни орзу қилганман. Бу касбни эгаллашимда ота-онамнинг ибратлари катта сабоқ бўлган.

– Бугун миллий армиямизда катта ислоҳотлар олиб борилаяпти, – дейди лейтенант Беҳзод Тўлаганов. – Оддий ўзбек аскарлари энг замонавий ҳарбий техникаларни бошқармоқда. Бу, албатта, барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Тантанали маросим санъат усталари иштирокидаги катта концерт билан якунланди.

**Улуғбек ҲАМРОҚУЛОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

**СУРАТДА:** тақдирланганлардан бир гуруҳи.
**Баҳром АБДУРАҲИМОВ** олган сурат.

# ТИНЧЛИГИМИЗ ПОСБОНЛАРИ

**Ҳаётда ҳар нарсанинг ўз қадри, мезони бор. Аммо тинчлик деган неъматнинг баҳоси йўқ. Тинчлик бўлмаса, инсонга ҳеч нарса татимайди.**

Тинчлигимизнинг чинакам посбони бўлган Ўзбекистон Қуролли Кучлари 18 йил ичида куч-қудратга тўлиқ, тенгсиз миллий армияга айланди. Унинг сафларида хизмат қилаётган мард ва жасур йигитларимиз саъй-ҳаракати билан сарҳадларимиз дахлсиз, чегараларимиз мустаҳкам, юртимиз тинч, халқимиз осуда ҳаёт кечирмоқда.

Вилоятимизнинг энг сўлим, гўзал гўшаларидан бири – Бўстонлиқ туманида жойлашган ҳарбий қисмда ҳам халқимизнинг шерюрак ўғлонлари ўз бурчларини шараф билан адо этмоқдалар. Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан уюштирилган "Ватан ҳимояси – муқаддас бурч" шиори остидаги байрам тадбири зобиту аскарлар, чегарачиларга кўтаринки руҳ, ғайрат-шижоат бахш этди.

Тантанали тадбирда бурчига садоқатли Ватан ҳимоячиларини байрам билан чин дилдан қутлаб, фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Шундай байрам тадбирлари Озодбош, Искандар қишлоқларидаги ҳарбий қисмларда, Хумсон, Бурчмулла, Қорабулоқ, Сойлоқ қишлоқларидаги чегара постларида ҳам ўтказилди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**СУРАТДА:** Ватан ҳимоячилари ҳамиша ҳурмат ва эътиборда.



**Мамлакатимизда ёш авлод ўз иқтидорини тўла намоён этиши учун барча имкониятлар яратилган. Бу борадаги ишлар кўлами Баркамол авлод йилида янада кенгайтирилмоқда.**

# ЁШ ОЛИМЛАР КЕНГАШИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида бугунги кун тараққиётида илм-фаннинг ўрни беқиёс эканлиги, жаҳон илмий жамоатчилиги эътиборини тортадиган энг илғор ва истиқболли илмий тадқиқотларни юртимизда янада ривожлантириш, хусусан, Ўзбекистон Фанлар академияси ва олий ўқув юртлари таркибида янги лабораторияларни ташкил қилиш, уларнинг ривожланган давлатлардаги илм-фан марказлари билан самарали ҳамкорлик алоқалари ўрнатишига эришиш лозимлиги алоҳида таъкидланган.

Мамлакатимиз ёш олимларининг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида иш бошлаган кенгашининг дастлабки йиғилиши мазкур вазифаларнинг ижросини таъминлашга бағишланди. Мазкур кенгаш ўз сафига мамлакатимиздаги элликдан ортиқ таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида меҳнат қилаётган ўнлаб иқтидор эгаларини бирлаштирган.

Мазкур кенгашни тузишдан мақсад ёш олимларнинг ўзаро илмий ҳамкорлигини фаоллаштириш, илмий муассасалар билан ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги интеграцияни кучайтириш, мамлакатимиз тараққиётига ҳисса қўшадиган илмий изланишларни қўллаб-қувватлаш, хориждаги нуфузли илмий марказлар билан ҳамкорликни янада кенгайтиришдан иборат.

**Умид ЁҚУБОВ,**
**ЎзА мухбири.**

ТРАНСПОРТ

# ТЕХНИК КЎРИК – ХАВФСИЗЛИКНИ КАФОЛАТЛАЙДИ

**Фаровонликни қарангки, бугун кўчаларимизда автотранспорт воситалари анча кўпайиб қолди. Уларнинг оқими, ҳатто чорраҳалардаги тирбандликларга ҳам кўникиб қолдик. Ўзимизда ишлаб чиқарилган автомобиллар билан бир қаторда хорижнинг замонавий уловларини кўриб кўзингиз қувнайди. Шундай бир шароитда ҳайдовчилар автоуловларини доимо соз ҳолатда сақлаш ва бошқаришлари талаб этилади. Акс ҳолда...**



"Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимининг "Вилоят ҳудудидаги транспорт воситаларининг мажбурий техник кўригини ташкил этиш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унда вилоят давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиши белгиланган. Хусусан, тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар, троллейбуслар ва ўриндиқлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган автомобиллар, одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк транспортлари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларга тиркамалар бир йилда икки марта, биринчиси шу йилнинг 1 мартидан 30 июнгача, иккинчиси 1 сентябрдан 31 октябргача кўрикдан ўтказилади. Ишлаб чиқарилганига беш йилдан кўп бўлмаган автоуловлар икки йилда бир марта, ишлаб чиқарилганига беш йилдан ортиқ бўлган, шунингдек, ишлаб чиқарилган йили аниқланмаган транспорт воситалари бир йилда бир марта кўрикдан ўтказилиши кўзда тутилган. Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб улардан фойдаланишнинг биринчи йилида транспорт воситалари техник кўрикдан ўтказилмайди. Юридик шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 2010 йилнинг 1 мартидан 30 июнига қадар, фуқароларга тегишли бўлган автомобилларнинг техник кўриги 1 январдан 31 августгача ўтказилади.

Шунга биноан, вилоят ички ишлар бошқармаси, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси автомототранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш қоида ва меъёрларига амал қилишнинг назорати бўйича бўлинмалари билан биргаликда мажбурий техник кўрикдан ўтказиш жадвали ишлаб чиқилмоқда. Унга кўра, автотранспорт воситалари сони 50 та ва ундан ортиқ бўлган корхоналарда мажбурий техник кўрикдан ўтказишда вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг техник назорати бўлими ходимларининг иштирок этиши таъминланиши белгиланган. Шаҳар ва туман ҳокимликларига шу йилнинг 25 январь кунига қадар йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш комиссиялари билан ҳамкорликда мулкчилик шаклидан қатъи назар барча ташкилот ва корхоналар раҳбарларини жалб этган ҳолда транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикка тайёрлаш ва уни ўтказиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиб, муҳокама этиш топширилган. Кўрикнинг самарадорлигини ошириш мақсадида тегишли ташкилотларнинг ходимларидан иборат ишчи гуруҳлар тузилмоқда. Вилоят ҳокимининг фармойишига биноан барча корхона ва ташкилотлар тасарруфидаги фаолияти тугатилган транспорт воситалари, тиркамалар, ярим тиркамаларни аниқлаб, уларни белгиланган тартибда ҳисобдан чиқариш чораларини кўрилаяпти.

Яна бир гап. Йўловчиларга самарали транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида вилоятдаги барча тижорат асосида йўловчи ташиш билан шуғулланувчи хусусий фирмалар, масъулияти чекланган жамиятлар ва автобус саройларидаги ишлаб чиқарилган йили 2000 йилгача бўлган автобус ва микроавтобусларнинг техник кўриги Олмалиқ шаҳридаги диагностика марказида ўтказилади. Ўрнатилган тартибда мажбурий техник кўрикдан ўтмаган автобус ва кичик автобуслардан фойдаланиш қатъиян ман этилади.

"Кафолат" суғурта компаниясининг вилоят филиали ва "Агросуғурта" компаниясининг вилоят дирекциясига тегишли бўлинмалар билан ҳамкорликда мажбурий транспорт суғурта тўловларини ундириш чораларини кўриш юклатилган.

Шаҳар ва туман ҳокимликларининг шу соҳага мутасадди раҳбарлари барча ташкилот ва корхоналарга транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикка тайёрлаш ҳамда ўтказиш учун тегишли кўрсатмалар беришлари лозим. Бу вазифани вақтида амалга ошириш ҳам ҳайдовчиларнинг, ҳам жамоат транспортидан фойдаланувчи ҳар бир фуқаронинг хавфсизлигини таъминлайди.

**Дилмурод ШУКУРОВ,**
**вилоят ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси техника назорати бўлими бошлиғи.**

ЭКОЛОГИЯ

# ТАБИАТ ОЛДИДАГИ БУРЧ

**«Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасида янги цех қуриб битказилди. Бу билан корхона йилига 150 минг тонна заҳарли моддаларни қайта ишлаб, чиқиндисиз ишлаш технологиясига ўтди.**

Бу маълумот Республика ва вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари ҳамкорлигида пойтахтдаги Миллий матбуот марказида ташкил этилган "Юксак экологик маданият – юксак тараққиёт" мавзусидаги давра суҳбатида айтиб ўтилди. У вилоятдаги экологик вазият ва уни яхшилаш бўйича олиб борилаётган ишлар билан жамоатчиликни таништириш, табиат муаммоларини таҳлил этиш, керакли таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда соҳада олиб борилаётган ишларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш мақсадида ташкил этилди. Тадбирда қўмита, республика маънавият тарғибот маркази мутахассислари, қатор олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, вилоят ва шаҳар халқ таълими, ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармалари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Сўзга чиққанлар "Атроф-муҳит мусаффолиги ва соғлом турмуш тарзи", "Сувнинг инсон ҳаётидаги экологик моҳияти", "Сув – илоҳий неъмат" ҳамда "Аҳоли экологик маданиятининг шаклланишида ўқув қўлланмаларининг аҳамияти" каби мавзуларда маърузалар ўқишди.

– Бугун табиат ва инсон ўртасидаги муносабатлар дунё миқёсидаги глобал муаммога айланди, – деди вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси матбуот котиби Қобилжон Соқиев. – Чунки экологик ҳолатнинг бузилиши тупроқ, ҳаво, сувнинг турли моддалар билан ифлосланиши, заҳарланиши, ўсимлик ва ҳайвонларнинг фойдали турлари камайиб кетишига олиб келди. Шу боис атроф-муҳитни муҳофаза қилиш битта миллат ёки мамлакатнинг эмас, балки бутун инсониятнинг вазифаси ҳисобланади. Ўтказилган тадбиримиз табиатни асраб-авайлашга яна бир даъват бўлса, ажаб эмас.

Анжуманда яқинда нашрдан чиққан экологияга оид қатор қўлланма, адабиёт ва рисолаларнинг тақдимот маросими ҳам бўлиб ўтди.

**Хуршида ТУРСУНБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.**

# КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Йиғилишда 2009 йилда идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг фаолияти якунлари сарҳисоб қилинди ва 2010 йилга мўлжалланган иш режаси тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 декабрда қабул қилинган "Телерадиоэшиттириш соҳасида радиочастота спектридан самарали фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ радиочастоталарни танлов йўли билан тақсимлаш ва телерадиоэшиттириш соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига якка тартибдаги лицензиялар бериш бўйича танлов ўтказилди.

Комиссия томонидан, шунингдек теледастурларни тарқатиш ва ҳудудини кенгайтириш, маълумотлар узатиш тармоқларида хизматлар кўрсатиш билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектларнинг лицензия олиш учун берган аризалари кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**ЎзА.**

# ВИЛОЯТ БЕДАРВОЗА ЭМАС

**Мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларга кенг имкониятлар сари йўл очиб бераяпти. Бироқ, шундай шароит ва имкониятларга қарамай, айрим юртдошларимиз мавжуд тартиб-қоидаларни четлаб ўтиб, осон йўл билан даромад орттиришга уринмоқдалар. Вилоят ички ишлар идоралари жамоалари бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари билан ҳамкорликда иқтисодиёт соҳасидаги бундай жиноятларга қарши курашни кучайтирмоқда.**

Вилоятимиз қўшни мамлакатлар билан чегарадош ҳудуд ҳисобланади. Шу боис товар-моддий бойликлар юртимизга четдан ноқонуний кириб келишининг олдини олиш ва Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг тегишли ҳужжатларсиз қўшни мамлакатларга олиб ўтилишига қарши кураш юзасидан зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Яқинда Тошкент туманида ўтказилган тадбир жараёнида шундай ҳолатлардан бири фош этилди. Туман марказининг А. Икромов кўчасида яшовчи Т. Мунираннинг уйи гумонланиб текширилганда, у чет элда ишлаб чиқарилган, нархи тахминан 802 минг сўм бўлган 702 дона "Канада-грин" нўхати ва 50 дона "Ананас-сибори" консерва маҳсулотларини ҳеч қандай ҳужжатларсиз сақлаб келаётганлиги маълум бўлди. Бекобод шаҳар Ўзбекистон кўчасида яшовчи А. Жанона кўп эмас, оз эмас 936 дона 1 литрли елим идишларда Эронда ишлаб чиқарилган, умумий нархи 1 миллион 800 минг сўмлик ўсимлик ёғини ноқонуний сақлаётгани ошкор бўлди.

Айрим "шоввоз"лар мамлакатимизда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини деҳқонлардан арзонгаровга сотиб олиб, четга олиб чиқиб сотишни касб қилиб олмоқдалар. Тошкент тумани Масалбой қишлоғида яшовчи Д. Абдуваҳоб ва Х. Шамсиддин бошқарувидаги автомобиллар тўхтатиб текширилганда, юкхоналарда ҳужжатлари бўлмаган, умумий нархи тахминан 3 миллион сўмлик узум, хурмо, беҳи, карам каби маҳсулотлар борлиги маълум бўлди.

Бўка туманида тунда ўтказилган тадбир жараёнида эса, Бекобод шаҳрининг Истиқлол кўчасида яшовчи О. Карим бошқарувидаги "ПАЗ" русумли автобус текширилганда, юкхонада Хитойда ишлаб чиқарилган умумий нархи тахминан 2 миллион сўм бўлган кир ювиш кукуни ноқонуний олиб келинаётгани аниқланиб, ушланди. Янгийўл туманида ўтказилган тадбир жараёнида эса, «Чаманзор» маҳалласида яшовчи А. Шуҳратнинг уйи гаражида чет элда ишлаб чиқарилган, умумий нархи тахминан 30 миллион сўм бўлган турли шоколад маҳсулотлари ҳеч қандай ҳужжатларсиз сақлаб келинаётгани аниқланди. Суриштирувлар натижасида юқоридаги маҳсулотлар Бекобод туманининг «Марказ» маҳалласида яшовчи И. Зайнабга тегишлилиги, у ушбу маҳсулотларни қўшни Тожикистон республикасидан айланма йўллар орқали олиб ўтганлиги маълум бўлди.

Юқоридаги мисоллардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, вилоят ички ишлар идоралари ходимлари иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга қарши кураш, давлат ва халқ мулкининг талон-торож этилишига йўл қўймаслик ғоят муҳим вазифалардан бири эканлигини англаган ҳолда хизмат бурчларини сидқидилдан адо этмоқдалар.

**Хуршид РЎЗИЕВ,**
**вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот хизмати ходими.**

ДИЛ ИЗҲОРИ

# МАСЪУЛИЯТ ШАРАФИ

**Ўқитувчилик касби худди игна билан қудуқ қазишдек гап. Тасаввур қилинг, бирон марта кўрмаган, танимаган, синамаган ўқувчи билан суҳбат қуриш, унинг дилига йўл топиш осонми?! Айрим ўқувчилар табиатан босиқ, камгап, вазмин, айримлари интилувчан, ҳаракатчан, қизиқувчан бўлишади. Яна бошқа бировлари эса ўқимасдан, ишламасдан, қуруқ мақтовларни хушлайдиганлар тоифасига киради.**

Демак, ҳар бир ўғил-қиз билан муомала-мулоқотга киришишдан аввал унинг руҳий ҳолати, феъл-атворини ҳам аниқлаш ўқитувидан катта тажриба ва маҳорат талаб этади.

Ўзимиз ҳам бола бўлганмиз. Боланинг инжиқликларини кўтарган, унга кўнган одамгина ўқитувчи бўла олади. Ҳеч замонда ўқувчилар бугунгидек зукко, ҳозиржавоб, тез уқиб оладиган, қизиқувчан бўлмаган. Фақат муаллим уларга тўғри йўлни кўрсата олсагина кифоя.

Ўзи эришмаган орзулари шогирди орқали амалга ошишини ҳар бир ўқитувчи ният қилса керак. Мен бахтлиманки, ўқитаётган ўқувчиларим туман, вилоят, республика миқёсидаги фан олимпиадаларида фаол қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Муҳими, уларнинг аксари мустақил ҳаётда ўз ўрни, ўз мавқеига эга бўлиб бормоқда.

Давлатимиз таълим тизимини ислоҳ қилиш борасида ҳамиша ғамхўрлик кўрсатмоқда. Ўқитувчи обрў-эътиборини кўтариш, унинг меҳнат шароитларини, моддий манфаатдорлигини янада яхшилаш борасида амалга оширилган ишларнинг сон-саноғи йўқ. Булардан қувониш керак. Айниқса, Давлат умуммиллий дастури асосида таъмирдан чиқарилаётган мактаб биноларини, чирой очиб бораётган илм кошоналарини кўриб дилинг яйрайди. Тасаннолар айтасан. Барча умумтаълим мактаблари замонавий ўқув лаборатория жиҳозлари ва мебеллар билан тўла-тўкис таъминланяпти. Ўқитувчига яна нима керак? Ўз устида изланиш, ўсиб келаётган ёш авлодни тўғри тарбиялашдан бошқа яна қандай вазифаси бўлиши мумкин?!

Юрт фарзандларига таълим-тарбия бериш йўлидаги камтарона хизматларим давлатимиз томонидан мен кутмаган даражада юксак баҳоланди. Юртбошимиз Фармонига мувофиқ "Дўстлик" ордени билан тақдирландим. Президентимиз қўлидан мукофотни қабул қилиб олаётган пайтимдаги ҳаяжонимни сўз билан таърифлай олмайман.

Биз жуда катта орзу-умидларни дилга жо айлаб, Баркамол авлод йилига қадам қўйдик. Демак, зиммамиздаги масъулият юки янада залворли. Фарзандларимиз ўзларига берилаётган бундай юксак эътиборга жавобан чинакам комил инсонлар бўлиб етишишларида ҳаммадан ҳам кўпроқ биз – ўқитувчи ва мураббийлар масъулмиз, деб ўйлайман.

**Фарид ФЕИЗОВ,**
**Юқоричирчиқ туманидаги 7-мактабнинг физика фани ўқитувчиси, "Дўстлик" ордени нишондори.**

ТАДБИР

# ЮРТИМ, СЕНИ КУЙЛАЙМАН

**Ёшлар – юртимизнинг истиқболи, эртанги кун эгалари. Бугун йигит-қизларимизнинг ғайрат-шижоати, истеъдод қирралари ҳар қачонгидан ҳам ёрқинроқ намоён бўлмоқда.**

2010 йилнинг "Баркамол авлод йили" деб эълон қилиниши кенг имкониятлар эшигини очиш билан бирга илм масканларида ўқиётган ёшлар ва таълим-тарбия бераётган мутахассислар олдига катта вазифаларни қўйди. Жумладан, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни миллий қадриятларимизни асраб-авайлашга, моддий ва маънавий бойлигимизни эъзозлашга ўргатиш муҳим аҳамият касб этади.

Юқоричирчиқ тумани халқ таълими бўлими давлат таълим стандартлари мониторинги бўлими қошида ташкил этилган "Энг иқтидорли ўқувчи ва ўқитувчилар" уюшмаси 13 та йўналиш бўйича 600 нафар аъзони ўз сафига жамлаган. Унда ўқувчилар тикувчилик, санъат ва фан йўналишлари бўйича мунтазам шуғулланишмоқда.

Яқинда уюшмада "Юртим, сени куйлайман" мавзусида ўтган йилги ишлар сарҳисобига бағишланган маданий-маърифий кеча бўлиб ўтди. Тадбирда туман ўқув даргоҳларида таҳсил олиб, бевосита ижод билан банд бўлган уюшма қатнашчилари ўз шеърлари, қўшиқлари, рақс ва миллий мусиқа асбобларида ижро усуллари билан фаол қатнашдилар. Шунингдек, туман маданият уйининг яккахон хонандалари, ўқувчилар ижодиёт маркази, мусиқа мактаби тўгараги аъзоларининг чиқишлари томошабинларда катта таассурот қолдирди.

**Ирода НОРБОЕВА.**



– Кутубхонада қизиқарли китоблар кўп экан, дугонажон!

# Бу – қизиқ

# БИЗДАН ОЛДИН ЕРДА КИМЛАР ЯШАГАН?

**Бу кўҳна дунёда нималар бўлмаган дейсиз. Шундай воқеа-ҳодисотлар ҳам тарихдан маълумки, бутун бошли халқ, ўз уйларини ташлаб, бир зумда номаълум томонларга ғойиб бўлган. Тўққизинчи асрда анча тараққий этган ҳиндуларнинг майя цивилизацияси ўз маконларини шошилинч тарк этган. Уй-рўзғор буюмлари, ҳатто, дастурхондаги ош-овқатларни йиғиштиришга ҳам улгурмаганлар. Уларнинг нега бундай қилганларига ҳанузгача аниқ жавоб йўқ.**

– Мальта ва Гоцо ороллари бир вақтлар ҳийла катта бўлган қуруқлик (материк)нинг қолдиқлари эканлиги кўпдан бери фараз қилиб келинади, – дейди америкалик тарихчи Питер Лонгбау. – Хажар Им ибодатхонасини тадқиқ этган археология доктори Каруана 1885 йилда шундай деган: "Мальтанинг икки-уч минг кишилик аҳолиси ўнлаб улкан ибодатхоналарни ўз кучи билан қура олмасди". Шундай экан, ўшанда нима бўлган ўзи? Биринчи бўлиб хаёлга келадиган фикр: номаълум цивилизацияни ё кучли зилзила ёки цунами (океан тубидаги зилзила ёки вулқон отилиши) ҳалок этган. 1755 йилда шундай табиий офат Португалия пойтахти Лиссабон шаҳрини олти дақиқа ичида вайронага айлантирган эди. Аммо, бу тахмин ҳақиқатдан йироқ. Ўтмишда Мальта сейсмик минтақада бўлмаган.

Ўн тўққизинчи асрдаги рус файласуфи, сайёҳ-эзотерик Елена Блаватская Лемурия қуруқлиги "аждодларимиз ери" эканига, сайёрамиздаги барча халқлар улардан тарқаганига қатъий ишонган. Кетма-кет саёҳатлардан сўнг 1891 йилда Е. Блаватская "Махфий назария" китобини чоп этди. Унда Лемуриянинг 12.000 йил илгари ҳалок бўлгани ҳақида мукаммал ҳисоб-китоб ва тасдиқлар келтирилган. Мальта ороллари ҳам Лемурия қуруқлиги таркибида бўлган. Олима ўз кундалигида ёзишича, Лемуриянинг аҳолиси пакана одамлардан иборат. Бу Мальтада олиб борилган тадқиқотлар хулосасига мос тушади. Бир қатор археолог олимларнинг таҳлилларига кўра, бу ердаги улкан тош ибодатхоналарни лилипутлар қуришган.

Ривоятларга қараганда, эрамиздан аввалги бешинчи асрда Лемурияда 64 миллион аҳоли яшаган. Қитъани пакана бўйли нааскал коҳинлар ирқи бошқарган. Улар тош плиталардан маҳобатли ибодатхоналар қуришган. Блаватская ва бошқа айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, қитъани кўп ойлик тинимсиз жалалар ювиб кетган. Бу ёғинлар Ер юзида улкан сув босқинларини келтириб чиқарган.

2009 йил ноябрь ойида чоп этилган "Му қитъаси шов-шувлари" китобида ёзилишича, изсиз йўқолган ирқ ажойиб технологик тараққиёт чўққисига эришган. Беш минг йил муқаддам Мальтадан Ҳиндистонгача поездлар юрган, самолётлар учган. Наасқалларни эса, ядровий портлашлар ҳалокатга учратган ва Ер шарини тош асрига қайта улоқтириб ташлаган. Албатта, бу ёзувчининг хаёлий фарази, гарчи фикр қизиқарли бўлсада.

Ҳозирги кунда "Жгантия ва Хажар Им ибодатхоналарининг ёши аввал бошда тахмин қилинганига нисбатан каттароқ" деган фикр қайта-қайта айтилмоқда. Чунончи, тарихчи Питер Лонгбаунинг фикрича, Мальтадаги бу бинолар тахминан эрамиздан аввалги 6000-йилда қурилган бўлиши мумкин. Шу ўринда Боливиядаги Тиауанако давлатида қазилмалар чоғида топилган улкан эҳромларни эслаш жоиз. Айрим археологлар ишонадиларки, бу эҳромларни ҳиндулар 10 000 йил илгари қуришган. Дарвоқе, эҳромлар атрофида на қабр, на одам суяклари топилмаган. Мальтадаги каби қурувчилар изсиз ғойиб бўлишган. Ер шарининг шимолидаги улкан муз захираларининг эриши айнан ўша даврга тўғри келади. Агар ушбу фараз тўғри деб топилса, нима учун ҳийла ривожланган Мальта цивилизациясидан бўм-бўш ибодатхоналар, Пасхи оролида мавжуд бўлган давлатдан эса, фақат нохуш тош ҳайкалчаларгина қолганлиги аён бўлади.

Тахминлар ва фаразларнинг сон-саноғи йўқ. Аммо, ҳозирча, шу нарса аёнки, ҳатто, фан беқиёс тараққий этган ҳозирги даврда ҳам ёзма тарих юзага келмасдан илгари Ер шарида кимлар яшаганини аниқлаш жуда қийин.

**Самад ЙЎЛДОШ тайёрлади.**

## Спорт

**ФУТБОЛ.** Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида ўсмирлар ўртасида ўтказилган халқаро турнир "Чилонзор" жамоаси ғалабаси билан якунланди. Тошкентликлар мусобақада иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган мезбонлар – "Бишкек футбол маркази", "Абдиш-Ота" футболчиларини, шунингдек, Жалолободнинг "Асил" ва Қозоғистоннинг "СДЮШОР" жамоаларини мағлубиятга учратди. "Чилонзор" дарвозасини қўриқлаган Рустам Нортожиев турнирнинг "Энг яхши дарвозабони", деб топилди.

* * *

Жорий йилнинг 16-24 январь кунлари Москва шаҳрида футбол бўйича ўтказиладиган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Болтиқбўйи мамлакатлари чемпионлари кубоги мусобақасида мамлакатимиз шарафини "Бунёдкор" (Тошкент) жамоасининг иккинчи таркиби ҳимоя қилади. Улар пухта тайёргарлик кўриш мақсадида ташкил этилган ўқув-машғулот йиғини доирасида "Локомотив" футболчилари билан ўртоқлик учрашувида майдонга тушди. Баҳодир Насимовнинг иккита ва Темурхўжа Абдухолиқовнинг битта голи "Бунёдкор"га 3:2 ҳисобида ғалаба келтирди. "Локомотив" голларига Дилшод Жабборов ва Азиз Тўхтабоев муаллифлик қилди.

**ТОҒ ЧАНҒИСИ.** Чимёнда ўтказилган мусобақада мамлакатимизнинг энг кучли спортчилари иштирок этди. Эркаклар ўртасидаги слалом ва слалом гигант баҳсларида Дмитрий Бабиков ва Артём Воронин биттадан олтин ва кумуш, Никита Шупилин иккита бронза медални қўлга киритди. Хотин-қизлар мусобақасида Татьяна Баранова энг яхши натижани қайд этиб, иккита олтин медалга сазовор бўлди. Светлана Баранова кумуш, Наталья Чупрова бронза медаль билан тақдирланди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбири.**

ОДАМИЙЛИК ШЕВАСИ

# ОҚИБАТ

Салима телефонда онаси билан гаплашганидан буён ҳаловатини йўқотган. Нима қилса акасига ёрдами тегади? Савлат тўкиб ишлаб юрган акаси бир-икки ҳасадгўй кимсаларнинг туҳматига йўлиқиб, гулдек касби-коридан айрилиб, хонанишин бўлиб ўтирибди. Бунинг устига, ичкиликка берилган. Кечаси билан ўйлайвериб, Салиманинг боши ғувиллаб кетди. Ахир, пешонасида биттаю битта акаси бўлса? Ҳолидан хабар олса-олмаса, суянадиган, ёмон кунларида қўллашига ишонадиган акаси борлигидан кўнгли тоғ. Аммо бугун шу суянчиғи кимнингдир кўмагига муҳтож. Бир ёқда янгасининг ҳам иши юришмай турибди. Бозори касод бўлган. Бир эмас, икки ўғли институтда "контракт"да ўқийди...

Тўғри, ҳозир ўзи ҳам акасидан баттар аҳволда. Аммо, қимирлаган қир ошар, деганларидек, кимки ҳаракат қилса, куни ўтадиган замон. Отаси раҳматли уларни ҳаром луқма еийшга ўргатмаган. Акаси ҳам қўлидан келганча бировларга ёрдам бериб келган, аммо ўзининг оғирлигини ўзгаларга ташламаган. Шунгами, бутун маҳалла Шамшодбекни ҳурмат қилади.

Акаси шу зайл уйга қамалиб ўтираверса, хотини билан ўрталарига совуқлик тушиши аниқ. Ҳар қандай хотин ишламайдиган эридан норози бўлади, албатта. Яхшиямки, янгаси сабрли аёл, йўқса, бир йилдан бери ишламай ўтирган эрига зуғум қилавериб, тинкасини қуритган бўларди.

Салима эрталаб барвақт турди-да, эрига билдирмай, синглисиникига жўнади. Ноила тижорат билан шуғулланади. У энди бозорга отланаётган экан, саҳарлаб ҳаллослаб кириб келган опасини кўриб, қўрқиб кетди:

– Тинчликми, опа? Ойим яхшимилар?

– Тинчлик, ҳовлиқма, гап бор. Эринг ишга кетдими?

– Ҳозиргина эшикдан чиқди.

– Бирпас ўтир, ўзим ҳам ишга шошяпман. Сен, мен, Наима ўртада пул тўплаб, акамга қарашвормасак бўлмайди. Ранг-рўйи бир ҳолатда, шу кетишда касал орттириб олмаса гўргайди. Биз унга қарашмасак, ким қарашади? Шуҳрат ўзининг аравасини ўзи зўрға судраса?

Салима акасининг аҳволини синглисига тушунтира кетди. Кеча меҳмонга борганида кеннойиси қилган ҳасрат, онасининг пенсиясидан акасига бериб туриши...

Ноила опасининг гапини эшитиб, ўйланиб қолди. Икковлон дарҳол Наимага телефон қилишди, вазиятни тушунтиришди. Шу куни пешингача Наима ҳам тақинчоқларини сотиб, пулини опаларининг қўлига тутқазди. Уч сингил биргалашиб, ўртада салмоқлигина пул тўплашди-да, кечқурун худди меҳмонга келгандек, акаларининикига боришиб, бир чеккада унинг қўлига пулни тутқазишди.

– Акажон, ўсмир ёшингиздан бери бизга ота ўрнида бўлиб келасиз. Тўрт укангизни уйли-жойли қилдингиз, бизларга ҳам қўлингиздан келганча қарашдингиз. Энди навбат бизга, сиз оёққа туриб олгунингизча қарашишга аҳд қилдик, акажон. Буни эрларимиз билишмайди, ҳар бир аёлнинг яширин сармояси бўлади, акажон. Болаларимиз улғайгунича сиз қаддингизни тиклаб оласиз. Жиянларимизнинг ҳам ўқиши битиб, ёнингизга киради. Шунда қайтарарсиз...

Шамшодбек сингилларидан бундай ҳимматни кутмаган, қайтанга уларни йўқлашга ҳам куч тополмай қолганидан ич-этини еб юрганди. Уларнинг ботиний меҳрига тан берганча, маъюс термилиб турарди. У томоғига келиб тиқилган хўрсиниқни аранг ютди. Агар ҳозир қаршисидаги муштипарнинг кўзига кўзи тушса, у бу нигоҳларга дош беролмай, бир йилдан бери йиғилиб қолган зардоб кўз ёшига айланиб, отилиб чиқарди.

– Пулларингни қачон, қандай қилиб қайтараман, – аканинг овози қалтираб чиқди.

– Ака, айтдим-ку, бошингиз омон бўлса қайтарасиз, деб. Аввало жигарлар ўртасида қарз юрмайди. Менга ва сингилларимга меҳр бердингиз, қанча қарашдингиз, акажон. Остонамиздан бир боқиб, омонлик сўраб қўйишингизнинг ўзи давлат бизга. Шукр, куёвларингиз тузук. Ҳаммамиз ишлаймиз, ҳаётимиз бир маромда ўтиб турибди. Хуллас, буни қарз деб билманг.

Шамшодбек ўша кундан бошлаб ароқ ичишни йиғиштирди. Сингиллари йиғиб-териб берган пулга маҳалла гузаридан кичкина дўконни ижарага олди-да, сомсахона очди. Талабгорлари кўпайгандан-кўпайиб кетгач, қўлига уч-тўрт сўм пул тушди, кам-кўстини тўлдира бошлади. Сингилларининг яхши кунларида елиб-югурди. Хотини ҳам эрининг иши юришиб кетганидан хурсанд. Ҳар икки гапнинг бирида "Адаси, кўзингизни очинг, анови Жуман ишсиз ўтирганингизда йўқламай қўйганди, энди яна серқатнов бўлиб қолди. Маҳамат-чи, амал курсисига ўтирволиб, борлигингизни ҳам унутиб қўйганди, энди эса фалончи, биззи меҳмонларга заказ сомсадан бердириб юборасиз-да, деб уялмай, корчалонлик қилаяпти. Олса пулига олсин ўша суллоҳ!" дея огоҳлантиради. Ёмон кунида корига ярамай, ўзини панага урган улфатларидан юз ўгирган Шамшодбек кечани кеча, кундузни кундуз демай ишлади. Тез орада сомсахона олдида пойабзал тикиш цехини очиб, ўғилларини ишга солди. Таътилга чиққан ўғиллари отасидан ҳунар ўрганиб, дурустгина пул топа бошлашди.

Шамшодбек дам-бадам сингилларини йўқлар, бу кунларга ана шу муштипарлар туфайли эришганини унутмасди. Кекса онасининг дуосини олишдан чарчамас, илгари унинг нафақасини олиб турган бўлса, энди аксинча, онаизорига қўшиб укасининг ҳам рўзғорига қарашарди.

Ҳар ким, ўзига берилган омаднинг этагидан вақтида маҳкам тутиб қолгани яхши. Шамшодбек тўқлигида қилган хатоларини тузатиб олганидан мамнун, хонадонига кириб келган бараканинг калити ҳам асли ҳалолликда эканлигини тушунди. У дуогўй онасини, муштипар сингилларини йўқлашдан чарчамасди...

**Нигора ЖАЛОЛИДДИН қизи.**

**«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Тошкент филиали таркибидаги Келес, Пискент, Оҳангарон почта алоқа тармоқларида қурилиш-таъмирлаш ишлари бўйича (махсус хонани қуриб жиҳозлаш) тендер эълон қилади. Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзил ва телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Фарҳод кўчаси, 3-уй. Тел/факс: 250-04-43, 250-93-94.**

Юнусобод тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 02.07.2009 йилда № 1006448 рақам билан рўйхатга олинган (ИНН 600622166) якка тартибдаги тадбиркор Ахмедов Дилшод Муминджановичга тегишли бўлган гувоҳнома (патент) йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Янгийўл туманидаги Гулбаҳор саноат касб-ҳунар коллежи томонидан 2008 йилда "Автотранспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш" йўналиши бўйича Юнусов Азамат Махамадович номига берилган К № 1024302 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

РАССОМ ХАНДАСИ




САЛОМАТ БЎЛИНГ

# ШИФОБАХШ МЎЪЖИЗА




Мўмиёни билмайдиган одам бўлмаса керак. Унинг шифобахш хусусиятлари қадим замонлардан бери инсонлар саломатлигини мустаҳкамловчи омил ҳисоблаб келинади.

Афлотун эрамиздан аввалги 348-349-йиллари ўз асарларида устози Суқрот ҳаким ўлими тўғрисида ёзар экан, унинг жасади қисман мўмиёланганлигини баён қилади. Бобокалонларимиз – Абу Райҳон Беруний, Ар-Розий, Ибн Сино ўрта асрдаёқ мўмиёнинг шифобахш эканлигини ёзишган.

Мўмиё юнонча сўз бўлиб, "танани асровчи" маъносини билдиради. Араблар эса "тонг шираси" дейдилар. Охирги 5-10 йил орасида мўмиёга қизиқиш кучайди. Шу сабабли исталган бозоримизда ўнлаб "мўмиёфурушлар"ни учратиш мумкин бўлиб қолди. Уни ҳар хил шаклларда ишлаб, елим қоғозларда, "стандарт" ҳолатига келтириб сотилаётгани сир эмас.

Биз мўмиёнинг физик ва кимёвий хусусиятларига тўхталиб ўтирмаймиз. Соддароғи шуки, мўмиё сувда яхши эрийди. Уни аниқлашнинг осон йўли бор. Мўмиёни қўлга олиб аста эзилса, тезда юмшайди. Бордию, сифатсиз, сохта бўлса, кун ҳароратида юмшамай, қаттиқлигича қолади. Шунинг учун мўмиё тавсия қилинган бемор уни «қўл»дан сотиб олмай, дорихоналардан харид қилса, мақсадга мувофиқдир.

Мўмиёнинг хосиятлари ҳақида сўз борар экан, айтиш лозимки, у безарар, истеъмол қилганда сигарет чекиш, спиртли ичимликлар ичиш мақсадга мувофиқ эмас. Марҳум профессор О. Шокиров ва халқ табиби Ф. Насибуллин тавсия этган муолажа усуллари кўплаб хасталикларни даволашда яхши натижалар берди. Мўмиёни истеъмол қилиш миқдори беморнинг ёшига қараб, фақат шифокор тавсияси билан белгиланади. Масалан, катта ёшдаги кишилар учун бир кеча-кундузда 0,15-1,2 грамм кифоя. Мўмиёни ўн кун қабул қилгач, 5-10 кун тўхтатилади. Суяк синганда танаффус қилишнинг ҳожати йўқ.

Сувда эритилган мўмиё ичиш, кичик хукна, компресс ва тампон қилиш учун ҳам ишлатилади. Машҳур спортчи Валерий Брумел товони шикастланганда мўмиё билан муваффақиятли даволанди ва мусобақаларда қатнашиб, бир неча бор ғалаба қозонди. 60-70-йилларда "Пахтакор" жамоасининг машҳур ўйинчилари ҳам жароҳатларини мўмиё билан даволаганлар.

Халқум дағаллигида, сурункали йўтал, ўпка шамоллаганда, зотилжам, сил, овоз бўғилиши, бўғимлар оғриғида 0,1 грамм мўмиёни 1 чой қошиқ қайнатилган сувда эритиб, илитилган товуқ тухуми сариғига қўшиб наҳорга ичилади. Муолажа муддати – 20 кун.

**Тоҳир ИБРОҲИМОВ, тиббиёт фанлари доктори, профессор.**

ООО "UZMETAL GROUP" (ИНН 206305701, ОКПО 20809726), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Мирабадского района г. Ташкента № 001430-03 от 13.03.2009 г., в соответствии с решением учредителей от 30.12.2009 г.,

**ЛИКВИДИРУЕТСЯ** до 28.02.2010 г.

Претензии принимаются по адресу: г. Ташкент, ул. Нукус, 23-А. Тел.: 215-70-45.

## Кулганга нима етсин?

### Ўқимаган эшак

*Бир отахон шифокорнинг олдига эшагини етаклаб келибди.*

*– Дўхтир ўғлим, эшагимни бир кўрсанг, икки кундан буён ўт емайди, сув ичмайди. Бунга бир нарса бўлган, – дебди у.*

*– Э, нималар деяпсиз, – шифокорнинг аччиғи чиқиб, қаддини ғоз тутибди. – Мен мол дўхтири эмас, жарроҳман, жарроҳ.*

*– Майли кўравер, – дермиш отахон. – Сенинг жарроҳлигингни эшагим билиб ўтирибдими?*

### Аҳмоқлик

*Ота ўғлини руҳшунос қабулига олиб борибди. Руҳшунос боланинг саломатлигини билиш мақсадида унга саволлар бера бошлабди:*

*– Мушукнинг нечта қулоғи бор?*

*– Иккита, – жавоб берибди бола.*

*– Баракалло. Унинг оёқлари нечта?*

*– Тўртта.*

*– Балли. Мушук қандай овоз чиқаради?*

*Бола бир руҳшуносга, бир отасига жавдираб қараб нима дермиш:*

*– Дада, бу аҳмоқ дўхтир умрида мушук кўрмаганми?*

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
**Телефонлар:**
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир **Жўра САЪДУЛЛАЕВ**
Навбатчи **Ирода НОРБОЕВА**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-41. Адади 12079. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. **ISSN 2010-9318.**

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.30. 1 2 5 6 7 8